



# ПОП

№ 33 (8210)

2019 йил 16 август

Газета 1931 йил  
20 ноябрдан чиқа бошлаган

## Поп туман ҳокимлигининг газетаси

# ТОНГИ

### ТАДБИРКОРЛАР МУАММОЛАРИ ҲАЛ ЭТИЛАДИ

НЕГАКИ УЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛИШНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5718-сон Фармони билан республикамизнинг барча туман ва шаҳарларида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тадбиркорлар муурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ташкил қилинди.

Тадбиркорлар муурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

-тадбиркорлик субъектларини ҳамда чет эллик инвесторларни қабул қилиш, шу жумладан, видеоконференцалоқа воситасида ва сайёр қабулларни ўтказиш;

-тадбиркорлик субъектларининг, шу жумладан, чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя қилинишини таъминлаш;

-тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган муаммоларни масалаларни кўриб чиқиш ва мавжуд бюрократик, шу жумладан, ер участкалари ва бинолар, кредитлар ажратиш, рухсат берувчи ҳужжатларни олиш масалаларидаги тўсиқларни бартараф этиш;

-тадбиркорликни ривожлантиришга ва чет эл инвестицияларини жалб этишга тўсқинлик қилаётган тизимли муаммоларни мониторинг қилиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш, шунингдек, бу соҳадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

-тадбиркорларнинг муаммоларини ҳал этиш мақсадида уларни қабул қилиш, умумлаштириш, мониторинг олиб бориш ва назорат қилиш учун самарали платформа жорий этилишини назарда тутувчи “business.gov.uz” ягона интерактив портали фаолият кўрсатишини таъминлаш.

Шунингдек, ушбу фармонда -Тадбиркорлар муурожаат-

ларини кўриб чиқиш қабулхоналарида тадбиркорларни, шу жумладан, чет эллик инвесторларни қабул қилиш ҳокимликлар, Савдо-саноат палатасининг тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари, инвестициялар ва савдо, адлия, солиқ инспекцияси, қурилиш, давлат кадастри органлари, банк ва бошқа ташкилотларнинг ҳудудий органлари вакиллари иштирокида тасдиқланган жадвал бўйича ҳар куни амалга оширилиши;

-муурожаатда кўрсатилган қонуний талаблар ва таклифларни туман ва шаҳар даражасида қаноатлантириш имконияти бўлмаса, улар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги тадбиркорлар муурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарига юборилиши;

-республика даражасида ҳал этилиши керак бўлган тадбиркорларнинг, шу жумладан чет эллик инвесторларнинг муурожаатлари кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатасининг раҳбарлари ва бошқа ваколатли органлар иштирокида кўриб чиқиш учун котибиятга юборилиши;

-Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири муурожаатлари ваколатли органлар томонидан ҳал этилмаган тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, чет эллик инвесторларни доимий асосда шахсан қабул қилиши;

-Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг қарори талаб этиладиган тадбиркорларнинг, шу жумладан, чет эллик инвесторларнинг муурожаатлари котибият томонидан унга кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш учун киритилиши;

-тадбиркорларнинг муурожаатларида кўрсатилган масалаларни тартибга солувчи нормалар мавжуд бўлмаган тақдирда, котибият томонидан қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши ва Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун киритилиши;

-котибият Ўзбекистон Рес-

публикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан биргаликда тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган сабаблар ва шароитларни ҳудудлар ва соҳалар кесимида доимий равишда таҳлил қилади ва тизимлаштиради, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича ҳар чорада аниқ таклифлар киритиши;

-тадбиркорлар муурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарида тадбиркорларнинг давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар, шунингдек, бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан муурожаатлари кўриб чиқиши;

-қарори ёки ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган ташкилотларнинг мансабдор шахсларига муурожаатларни кўриб чиқиш учун асоссиз топшириш тақиқланиши;

-тадбиркорлар муурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш секторлари, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда тадбиркорлик субъектларининг муаммоларини аниқлаш ва уларнинг ҳал этилишини таъминлаши белгилаб қўйилган.

Туманимизда ҳам Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тадбиркорлар муурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси ташкил қилиниб, ўз иш фаолиятини бошлади. Туманимиз тадбиркорларини ва тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган фуқароларни қийнаётган муаммолар ва соҳани ривожлантириш бўйича таклифлар бўлса, ҳар куни соат 9:00 дан 13:00гача қабул жараёни бўлишини маълум қиламиз.

**Бизнинг манзил:** Поп туман Давлат хизматлари маркази биносида.

**Дилмурод АБДУВАҲОБОВ,**  
Поп туманидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тадбиркорлар муурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси муdiri.



### АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ НИМА УЧУН ЗАРУР?

Давлатимиз мустақилликка эришгандан буён аҳолини рўйхатга олиш тадбири ўтказилмаган. Ўзбекистон Республикасида бу тадбир сўнги бор собиқ иттифоқ даврида, аниқроғи, 1989 йилда ўтказилган. Ҳолбуки, ҳар бир жамятда аҳолини рўйхатга олиш камида ҳар 10 йилда ташкил қилиниши тартибга айланган. Энди бу тадбир Ўзбекистонда ҳам йўлга қўйилди. Бунга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони асос бўлди. Фармоннинг 2-бандида аҳолини рўйхатга олишнинг устувор жиҳатлари алоҳида қайд этилган. Улар қуйидагилардан иборат: аҳолини рўйхатга олиш мамлакатда яшовчи барча аҳолига тегишли бўлган демографик, иқтисодий ва ижтимоий маълумотларни йиғиш, умумлаштириш, баҳолаш, таҳлил этиш ва эълон қилишнинг ягона жараёнини ўз ичига олиб, аҳоли тўғрисидаги маълумотларнинг асосий манбаси ҳисобланади. Ҳудудларни ривожлантириш ва жамятнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига ёрдам кўрсатиш бўйича сиёсий ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур маълумотларни олиш имконини беради. У аҳоли сонини ишончли ҳисоблаш, шунингдек, аниқ белгилаб қўйилган ягона ҳисобга олиш даврида аҳолининг жинси, ёши, оилавий аҳволи, маълумоти даражаси, яшаш шароити, бандлиги, миллати, фуқаролиги ҳамда бошқа демографик, ижтимоий ва иқтисодий хусусиятлари бўйича яқка тартибда ҳисобга олиш ва батафсил тавсифлашнинг универсал

усулини ишга солган ҳолда расмий статистика тизимида асосий рол уйнайди. Аҳолини рўйхатга олиш чора-тадбирлари ўтказилмаслиги натижасида объектив маълумотлар йиғиш ва ижтимоий-иқтисодий режаларни аниқ режалаштириш масалаларига тўсқинлик қилади, яъни қаерда ва қачон бутун аҳолини реал қамраб оладиган шифохона қуриш, мактаб барпо этиш, талабларга мос мутахассислар тайёрлаш каби ижтимоий масалаларга оид муаммолар юзага кела бошлади. Ҳар бир давлат ўз географик жойлашуви ва миллий таркибидан келиб чиқиб, аҳолини рўйхатга олиш дастурини ишлаб чиқади. Дастурда рўйхатга олиш анкетида муҳим ахборот воситаси ҳисобланади ва аҳоли ҳақидаги маълумотларни олиш учун зарур бўлган саволлардан таркиб топди. Масалан, манзили - доимий ёки вақтинча истиқомат қилиш жойи, демографик аломатлари, жинси, ёши, оиласи, фуқаролиги, ирқий мансублиги, миллати, маълумоти, диний эътиқоди ва шунга ўхшаш саволлардан иборат бўлади. Хулоса қилиб айтганда, аҳолини рўйхатга олиш - алоҳида бир мамлакат аҳолисининг чекланган бир қисми ёки тўлиқ барчасининг муайян давр ҳолатига тааллуқли бўлган ижтимоий, иқтисодий ва демографик кўрсаткичларни йиғиш, уларга ишлов бериш ва таҳлил этиш натижасида тўпланган маълумотларни эълон қилиб, чоп этиш фаолиятидир. Бу орқали жамят олдида турган муаммолар масалаларнинг ечимини топиш имконияти яратилади.

Поп туман статистика бўлими.